



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MANKAMASINING QARORI

2021 yil « 17 » fevral

№ 77

Toshkent sh.

### **Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини самарали ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 26 мартдаги ПФ–5975-сон Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2020 йил 26 мартдаги ПҚ–4653-сон, “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ–4862-сон қарорларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ–4862-сон қарори билан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) янгиланган ташкилий тузилмаси ҳамда унинг марказий аппарати тузилмаси тасдиқланганлиги, Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича ваколатли офислари очилганлиги, шунингдек, уларнинг намунавий тузилмаси тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

#### 2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Агентлик Тошкент шаҳри, Қоратош кўчаси, 1-уй (7, 10, 11, 12-қаватлар) манзилида текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин ҳамда Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг “Moliya Binokor Xizmat” шўъба корхонаси Агентликка тақдим этилган хизмат биноси бўйича, истисно тариқасида, ягона солиқ тўловидан озод этилсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ваколатли офисларининг барча зарур қулайликларга эга бўлган биноларда текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Агентликка жами 18 та, шу жумладан марказий аппаратига 3 та хизмат ва 1 та навбатчи ҳамда Агентликнинг ваколатли офисларига 14 та енгил автотранспорт воситасини сақлашга тегишлигига кўра республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан лимит ажратсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги ҳамда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 16 январдаги 28-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги:

бир ой муддатда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг тузилмасини тасдиқласин;

икки ҳафта муддатда Агентлик ходимлари штат жадвалининг тасдиқланишини, унинг моддий-техник базаси яратилишини ҳамда бошқа ташкилий-техник масалаларнинг ҳал этилишини таъминласин;

бир ой муддатда Агентлик ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ходимларини аттестациядан ўтказсин ҳамда замонавий билим, кўникма ва иш тажрибасига эга бўлган раҳбар ва мутахассислар билан тўлдирсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил “17” февралдаги 77 -сон қарорига  
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт  
ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги  
Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда – Агентлик) мақоми, вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, унинг раҳбарларининг функционал вазифалари ҳамда жавобгарлигини белгилайди.

2. Агентлик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг кенг табақаларини тадбиркорлик билан шуғулланишга жалб этиш, бошланғич капитал манбаларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш тизимини кенгайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш соҳасида ҳамда аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида келтирилган механизмлар, хусусан, уларни ўқитиш, микрокредит ажратиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш борасида ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Агентлик Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг (кейинги ўринларда – Вазирлик) ташкилий тузилмасига киради ва ўз фаолияти тўғрисида Вазирликка ҳисобот беради.

3. Вазирлик Агентлик фаолиятини мувофиқлаштиради, назорат қилади ва унга умумий раҳбарлик қилади, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлайди.

4. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек, Вазирликнинг қарор ва буйруқларига амал қилади.

5. Агентликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

6. Агентлик ўз фаолиятини ваколатлари доирасига киритилган масалалар бўйича Вазирлик, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат органлари, тижорат банклари, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотлар, шу жумладан халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

7. Агентлик юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳр, бланкалар, мустақил баланс, шахсий ғазна ҳисобварақлари, банк ҳисобварақлари, шу жумладан хорижий валютадаги банк ҳисобварақларига эгадир.

8. Агентликнинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги;  
қисқартирилган номи – Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги;

б) инглиз тилида:

тўлиқ номи – Agency for the development of entrepreneurship under the Ministry of economic development and poverty reduction of the Republic of Uzbekistan;

қисқартирилган номи – Agency for the development of entrepreneurship;

в) рус тилида:

тўлиқ номи – Агентство по развитию предпринимательства при Министерстве экономического развития и сокращения бедности Республики Узбекистан;

қисқартирилган номи – Агентство по развитию предпринимательства.

9. Агентлик жойлашган жой (почта манзили): Тошкент шаҳри, Қоратош кўчаси, 1-уй (7, 10, 11, 12-қаватлар), почта индекси 100027.

## **2-боб. Агентликнинг вазифалари ва функциялари**

10. Қуйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

мамлакатда тадбиркорликнинг барча шакллари ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини юритиш;

аҳолини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш, микроолиялаш тизимини такомиллаштириш ҳамда тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни жорий этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ваколатли давлат органлари ва ташкилотларининг тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни ташкил этиш;

ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва иқтисодий ўсишни таъминлашда тадбиркорликни муҳим драйверга айлантиришнинг концептуал ва стратегик ёндашувларини ҳамда соҳани ривожлантириш борасида бюрократик тўсиқлар, ғовларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

тадбиркорлик субъектларини номолиявий қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш;

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш лойиҳаларини амалга ошириш, уларга техник ва маслаҳат кўмагини ташкил этиш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш;

тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат ва ҳудудий дастурларни тайёрлаш, ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Агентлик ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) фаолиятига раҳбарлик қилиш ва Жамғарма томонидан берилаётган молиявий ёрдамлар кўламини кенгайтириш, янги молиявий ёрдам турларини жорий қилиш ҳамда самарали бошқариш тизимини йўлга қўйиш;

тадбиркорликни кенгайтиришни рағбатлантириш, қўшимча қиймат яратишнинг яхлит занжирларини шакллантириш, замонавий технологияларни ўзлаштириш, экспортни кўпайтириш, доимий иш ўринлари яратиш борасида натижага қаратилган воситаларни жорий этиш.

11. Агентлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

*а) мамлакатда тадбиркорликнинг барча шаклларини ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини юритиш соҳасида:*

республикада тадбиркорликнинг ривожланишини баҳолаш учун миллий индикаторлар тизимини ишлаб чиқади ва такомиллаштиради;

тадбиркорликни истиқболли ривожлантириш бўйича асосий йўналишлар юзасидан таклифларни ишлаб чиқади, шунингдек, тегишли дастурларни тайёрлаш ва амалга оширишни қўллаб-қувватлайди;

давлат органлари ва хусусий сектор, халқаро молия институтлари, донор ташкилотлар ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик қилади;

тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида халқаро ва давлатлараро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришда иштирок этади;

хорижий мамлакатларнинг ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари, халқаро молия институтлари ва ташкилотлари билан технологиялар трансферига ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро алоқасини таъминлашга доир музокараларни белгиланган тартибда олиб боради;

манфаатдор вазирликлар, идоралар, тижорат банклари ва тадбиркорлик субъектлари билан биргаликда тадбиркорликнинг барча шаклларини ривожлантириш масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлик субъектлари билан иш олиб бориш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

худудларда тадбиркорликнинг ривожланганлик даражасини баҳолаш бўйича тадбиркорлик субъектлари ўртасида сўровномалар ўтказилади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида Агентлик фаолиятини такомиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар ва таклифлар ишлаб чиқади;

қуйидаги йўналишлар бўйича мониторинг олиб боради:

тадбиркорликни ривожлантиришни тубдан яхшилаш, хусусий мулкчилик даражаси ва аҳамиятини ошириш, давлатнинг иқтисодиётда, шу жумладан давлат ва хусусий сектор ўртасида ҳамкорлик қилиш учун шарт-шароитларни яратиш, хусусий секторга давлат функцияларини топшириш йўли билан давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш;

тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш, тадбиркорликка ишончли ҳимояни таъминлаш ва эркинлик бериш, хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган дастурларни амалга ошириш чора-тадбирларини рўёбга чиқариш;

*б) аҳолини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш, микромолиялаш тизимини такомиллаштириш ҳамда тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасида:*

аҳолининг тадбиркорлик билан шуғулланишга қизиқиши ҳамда манфаатдорлигини оширади;

аҳолида тадбиркорлик соҳасида зарур кўникмаларни шакллантиришга қаратилган ўқитиш тизимини жорий этади, мазкур жараёнга халқаро ташкилотлар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва нодавлат таълим ташкилотларини кенг жалб қилади;

тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган микрокредитлаш тизимини институционал жиҳатдан такомиллаштиради ва ривожлантиради;

аҳоли тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга оид ижтимоий дастурларни иқтисодиётда амалга оширилаётган ислохотлар билан уйғун ҳамда мувофиқлаштирилган ҳолда ишлаб чиқади;

тадбиркорлик кўникмаси ва тажрибасига эга бўлган аҳоли ва бошқа кичик бизнес вакиллари салоҳиятини рўёбга чиқариш орқали уларнинг фаолиятини кенгайтиради ва ривожлантиришга қаратилган тўлақонли тизимни яратади;

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича яхлит тизимни ташкил этади ва ягона давлат ташкилоти томонидан амалга оширилиши, мувофиқлаштириб борилишини йўлга қўяди;

*в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш соҳасида:*

тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат ва ҳудудий дастурларга киритиш юзасидан таклифларни йиғиш, сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқиш ва умумлаштириш тизимини ташкил этади;

замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат ва ҳудудий дастурларни амалга ошириш жараёни мониторингини олиб бориш тизимини жорий этади;

тайёрланган дастурларни Вазирликка кўриб чиқиш учун киритади;

тадбиркорликни ривожлантириш бўйича тасдиқланган дастурларни амалга оширишни ташкил этади ва мониторинг олиб боради;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва манфаатдор ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда лойиҳалари тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат ва ҳудудий дастурларга киритилган тадбиркорлик субъектларига ҳар томонлама кўмаклашади;

ўтказилган мониторинг натижаларига кўра тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш жараёни тўғрисидаги ҳисоботларни тузади ва эълон қилади;

тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат ва ҳудудий дастурларни ўз вақтида амалга оширмаган ҳамда сансалорликка йўл қўйган вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, уларнинг мансабдор шахсларига нисбатан жавобгарлик чораларини қўллаш юзасидан тегишли органларга таклифлар киритади;

*г) ваколатли давлат органлари ва ташкилотларининг тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни ташкил этиш соҳасида;*

ваколатли давлат органлари ва ташкилотларининг тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни ташкил этади;

*д) ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва иқтисодий ўсишни таъминлашда тадбиркорликни муҳим драйверга айлантиришнинг концептуал ва стратегик ёндашувларини ҳамда соҳани ривожлантириш борасида бюрократик тўсиқлар ва говларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш соҳасида:*

иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида бошқариш бўйича институционал ислохотларни амалга ошириш орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларининг ишбилармонлик муҳитига таъсирини баҳолайди ҳамда такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

мамлакат иқтисодиётида ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишлар бўйича ваколатли органлар билан биргаликда ўзаро мувофиқлаштирилган ҳаракатларни амалга оширади;

мамлакатда ишбилармонлик муҳитини кенгайтириш ҳамда халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон ўрнини яхшилашга қаратилган “Йўл хариталари”да белгиланган чора-тадбирларнинг мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан ўз вақтида бажарилиши бўйича мониторинг олиб боради;

ҳудуднинг амалдаги эҳтиёжларидан ва мавжуд меҳнат, табиий, минерал хомашё ресурсларидан келиб чиқиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда мавжуд молиявий ресурслар доирасида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун ҳудуд драйверларини аниқлайди ва шу асосда ҳудудий дастурларни ишлаб чиқади;

ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш бўйича мунтазам равишда сўровномалар ўтказилади, муаммоларни чуқур ўрганиш ва аниқланган бюрократик тўсиқлар, ғовларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

муаммоларни ҳамда ислохотларни рўёбга чиқариш яқунларини тизимли ўрганиш асосида илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича тегишли ҳужжатлар ва дастурларни бажаради;

тадбиркорликни кенгайтиришни рағбатлантиришга қаратилган воситаларни жорий этишга доир илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартларни ўрганади, миллий қонунчиликка жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш юзасидан асосланган таклифлар тайёрлайди;

халқаро рейтингларда, хусусан, “Doing Business” рейтингидаги “Бизнес юритиш” индексида Ўзбекистон Республикасининг кўрсаткичларини яхшилашда иштирок этади ҳамда алоҳида индикаторлари бўйича масъул вазирлик ва идоралар ишларини мувофиқлаштиради, салбий кўрсаткичлар сабабларини аниқлаб, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

*е) тадбиркорлик субъектларини номолиявий қўллаб-қувватлаш тизимини шакллантириш соҳасида:*



мутасадди вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан аҳолининг имкониятлари чекланган ҳимояга муҳтож қатламларини касблар ва мутахассисликларга, тадбиркорлик фаолияти соҳаси бўйича қонун ҳужжатлари, янги технологиялар ва маҳсулотлар, бозорлар ва бошқа долзарб масалалар бўйича ўқитишни (бепул телефон ва онлайн-маслаҳат хизматлари, ўқув марказлари, бизнес-инкубаторлар, ахборот хизматлари ва бошқалар) ташкил этади, зарур тарзда фаолият кўрсатишини таъминлайди;

тадбиркорлик субъектларини номолиявий қўллаб-қувватлаш учун методик ва ўқув материаллари, бошқа ахборот-маслаҳат бериш ресурсларининг доимий маълумотлар базасини яратади ва юритади, бунда улардан бепул ва тўлиқ фойдаланиш имконини таъминлайди;

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш учун ўқув курслари, семинарлар, мунозаралар ва бошқа тадбирларни ўтказиши;

*ж) халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш лойиҳаларини амалга ошириши, уларга техник ва маслаҳат кўмагини ташкил этиши бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиши соҳасида:*

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш лойиҳаларини амалга ошириш, уларга техник ва маслаҳат кўмагини ташкил этиш, шунингдек, Агентликка юкланган вазифаларни амалга ошириш учун халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг грантлари, кредитлари ва техник кўмагини жалб этиш масалаларини ишлаб чиқади;

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг грантлари, имтиёзли кредитлари, мақсадли портфел инвестициялари ва бошқа маблағлари ҳисобига Жамғарманинг ресурс базасини кенгайтириш бўйича чоралар кўради;

*з) тадбиркорликни ривожлантириши бўйича давлат ва ҳудудий дастурларни тайёрлаш, ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириши бўйича таклифлар ишлаб чиқиши соҳасида:*

Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар билан биргаликда аҳоли ва тадбиркорларни тадбиркорликка ўқитиш бўйича ишларни ташкил этади, мувофиқлаштиради ва бу борада ягона тизимни шакллантиради;

вазирликлар, идоралар, бошқа ташкилотларнинг мутахассисларини ўқитувчи ва мураббийлар сифатида жалб қилган ҳолда, тадбиркорларнинг молиявий, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича қисқа ва ўрта муддатли ўқув курслари, семинарлар ва тренингларни ташкил этади;

тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ муаммоли масалаларни жойига чиқиб ўрганади ва уларни ҳал этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

тадбиркорлик учун (молиявий, товар-хомашё ресурслари, муҳандислик, коммуникация тармоқларидан фойдаланиши, инвестициявий ва ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш, мулкӣ ва номулкӣ жавобгарликни суғурта қилиш учун имкониятлар, имтиёзлар ва бошқа масалалари бўйича) амалий кўникмаларга эга бўлишга йўналтирилган маълумот берувчи материалларни ва бошқа молиявий қўллаб-қувватлаш чораларини ишлаб чиқади;

*и) Агентлик ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) фаолиятига раҳбарлик қилиш ва Жамғарма томонидан берилётган молиявий ёрдамлар қўламини кенгайтириш, янги молиявий ёрдам турларини жорий қилиш ҳамда самарали бошқариш тизимини йўлга қўйиш соҳасида;*

тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларининг тадбиркорлик ташаббусларига кафилликлар ва кафолатлар, шунингдек, тижорат банклари кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация бериш шаклида молиявий ёрдам кўрсатилишини ташкил этади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар бир лойиҳани амалга ошириш бўйича муайян мақсадларни белгилаб, ҳудудларда тадбиркорлик кластерлари мажмуасини (тадбиркорлик даҳаларини) ташкил қилиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, давлат органлари ва ташкилотларининг расмий сайтлари, шунингдек, бошқа ахборот ресурслари орқали, шу жумладан матбуот конференциялари ва брифингларни ташкил этиш йўли билан Агентлик ва Жамғарманинг имкониятлари, ишлаш механизми бўйича жамоатчилик орасида кенг тушунтириш ишларини олиб боради;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши учун ишсиз, кам таъминланган ва камбағал оилаларга белгиланган тартибда субсидиялар ажратилишини ташкил этиш масалалари бўйича ўзаро алоқаларни амалга оширади;

Жамғарманинг ресурс портфелини кенгайтириш учун халқаро молия институтлари ва чет эл банклари орқали кредит линияларини жалб этиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

*к) тадбиркорликни кенгайтиришини рағбатлантиришига, қўшимча қиймат яратилишининг яхлит занжирларини шакллантиришига, замонавий технологияларни ўзлаштиришига, экспортни кўпайтиришига, доимий иш ўринларини яратиш борасида натижага қаратилган воситаларни жорий этиш соҳасида;*

ҳудудларда янги бизнес лойиҳаларини аниқлайди, уларни амалга оширишга ҳар томонлама ёрдам беради ҳамда янги лойиҳаларни жойлаштириш, шунингдек, уларни молиялаштиришга кўмаклашади;

мамлакатдаги ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш, иқтисодий ўсишни таъминлашда кичик бизнесни муҳим драйверга айлантиришнинг концептуал ва стратегик ёндашувларини ҳамда соҳани ривожлантириш борасида фундаментал тўсиқ ва муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади.

### **3-боб. Агентликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги**

12. Агентлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун куйидаги ҳуқуқларга эга:

тадбиркорлик масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқишда иштирок этиш, шунингдек, улар бўйича ўз хулосаларини бериш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан ўз ваколатлари жумласига кирган масалалар бўйича маълумотлар ва материалларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

Агентликка юкланган вазифалардан келиб чиқиб, тадбиркорлик соҳасида қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш;

Вазирлик билан келишган ҳолда, контракт асосида малакали маҳаллий ва хорижий мутахассисларни ходимлар ва маслаҳатчилар сифатида жалб қилиш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни Вазирликка киритиш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари лойиҳаларини белгиланган тартибда ишлаб чиқиш, Агентликнинг ваколатлари жумласига киритилган масалалар бўйича идоралараро тусдаги халқаро шартномаларни Вазирлик билан келишган ҳолда белгиланган тартибда тузиш;

Вазирлик билан келишган ҳолда, Агентликнинг ваколатлари жумласига киритилган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини халқаро даражада белгиланган тартибда ифода этиш;

Вазирлик билан келишган ҳолда, ўз ваколатлари доирасида халқаро ва хорижий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

Агентликнинг фаолиятини кенг ёритиш мақсадида ўз расмий сайтлари, шунингдек, ижтимоий тармоқларда саҳифаларни яратиш;

ўз ваколатлари доирасида конференциялар, семинарлар, симпозиумлар ўтказиш, шунингдек, бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган шунга ўхшаш хорижий тадбирларда иштирок этиш;

тадбиркорлик соҳасининг долзарб ва истиқболли ривожлантириш муаммоларини ишлаб чиқиш мақсадида ишчи гуруҳларни, шу жумладан хорижий экспертлар иштирокида тузиш;

тадбиркорлик субъектларига хорижий ва халқаро ташкилотларнинг молиявий ва техник ёрдамини жалб қилишда кўмаклашиш.

Агентлик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Агентлик қуйидагилар учун жавобгар:

унга юкланган вазифалар зарур тарзда ва самарали бажарилиши, шунингдек, тегишли соҳадаги давлат сиёсатининг амалда юритилиши;

тадбиркорликни ривожлантириш бўйича дастурлар, тадбирлар режалари, “йўл харитаси” ва бошқа ҳужжатларнинг самарали амалга оширилиши;

Агентликнинг ваколатларига тааллуқли масалалар бўйича тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини ва ҳимоя қилинишини таъминлаш.

#### **4-боб. Агентлик фаолиятини ташкил этиш**

##### **1-§. Агентлик фаолиятини ташкил этиш**

14. Агентлик ваколатли давлат органи ҳисобланади ҳамда ўз фаолиятида Вазирликка бўйсунди.

15. Агентликка Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ҳамда лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади.

16. Агентлик директори ўринбосарлари, шу жумладан директорнинг биринчи ўринбосари Агентлик директори тавсиясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг буйруғи билан лавозимга тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади.

Агентлик директорининг ўринбосарларидан бири бир вақтнинг ўзида Жамғарманинг ижро этувчи директори ҳисобланади.

Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ваколатли офислари ўз фаолиятини Агентлик томонидан тасдиқланадиган Низом орқали амалга оширади.

17. Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ваколатли офислари бошлиқлари – Агентлик директори томонидан тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент ҳокимларининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари тақдимномаси асосида лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича ваколатли офислари бошлиқ ўринбосарлари – ваколатли офис бошлиқларининг тақдимномасига биноан Агентлик директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

## **2-§. Агентлик раҳбарларининг функционал мажбуриятлари**

18. Агентликка юкланган вазифаларга мувофиқ Агентликнинг раҳбарлари қуйидаги функционал мажбуриятларни бажаради:

а) Агентлик директори:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, шунингдек, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этади;

яккабошчилик асосида Агентлик фаолиятига умумий раҳбарлик қилади ҳамда Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Агентлик тизими ходимларининг асосий фаолият йўналишлари ва шахсий жавобгарлик даражасини белгилайди, ўз ваколатлари доирасида ходимлар учун бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган Агентликнинг иш юритиш соҳасига дахлдор таклифлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида тадбиркорликни ривожлантириш соҳасига оид давлат сиёсатига қатъий риоя этилишини таъминлайди, тайёрланган ҳужжатлар лойиҳаларига виза қўяди. Тегишли ҳужжатлар қабул қилинганидан кейин уларнинг амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатилишини таъминлайди;

белгиланган тартибда ишга қабул қилиш ва Агентлик ходимлари билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қилиш ишларини амалга оширади, шунингдек, уларнинг самарали меҳнат қилишлари учун зарур шарт-шароитлар яратади, Агентликнинг кадрлар захирасини шакллантиради;

Агентлик таркибий тузилмалари тўғрисидаги низомларни ва унинг ходимлари лавозим йўриқномаларини тасдиқлайди;

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини ижро этиш муддатларига қатъий риоя этилишини таъминлайди;

Агентлик фаолиятининг режалаштирилишини ташкил этади, Агентликнинг чораклик иш режаларини тасдиқлайди, уларнинг бажарилишининг назоратини таъминлайди;

қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади;

б) Агентлик директорининг биринчи ўринбосари:

Агентликка юкланган вазифаларни бажаришда Агентликнинг тегишли бўлинмалари билан ўзаро муносабатларни амалга оширади;

хорижий мамлакатларнинг ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари, халқаро молия институтлари ва ташкилотлари билан технологиялар трансферига, уларнинг Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро алоқасини таъминлашга доир музокараларни белгиланган тартибда олиб боради;

Агентликнинг ўзига топширилган ва мутасаддилик қилинадиган бўлинмаларига бевосита раҳбарлик қилади;

Агентлик таркибий тузилмалари бошлиқлари ва мутахассислари лавозимларига номзодларни директор томонидан тасдиқланиши учун белгиланган тартибда киритади;

Агентлик таркибий тузилмалари бошлиқлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, рағбатлантириш ёки интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги таклифларни киритади;

в) Агентлик директорининг ўринбосари:

Агентликка юкланган вазифаларни бажаришда Агентликнинг тегишли бўлинмалари билан ўзаро муносабатларни амалга оширади;

раҳбариятнинг топшириғига биноан тадбиркорликни ривожлантириш бўйича устувор вазифалар, дастурларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради;

худудий бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштиради;

Агентликнинг ўзига топширилган ва мутасаддилик қилинадиган бўлинмаларига бевосита раҳбарлик қилади;

Агентликнинг ўзи мутасаддилик қилаётган бўлинмалари бошлиқлари ва мутахассислари лавозимларига номзодларни директор томонидан тасдиқланиши учун белгиланган тартибда киритади;

Агентликнинг ўзи мутасаддилик қилаётган бўлинмалари бошлиқлари ва мутахассисларини қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, рағбатлантириш ёки интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисидаги таклифларни киритади;

г) Агентлик директорининг ўринбосари – Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг ижрочи директори:

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг фаолиятини ўзига юкланган вазифалар ва функцияларга мувофиқ ташкил этади, унинг фаолияти учун шахсан жавоб беради;

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг Ижроия дирекцияси активларни бошқариш, таҳлил ва экспертиза қилиш, тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш соҳасидаги малакали мутахассислар билан белгиланган ходимлар сони доирасида тўлдирилишини ташкил этади.

### **3-§. Агентлик раҳбарларининг жавобгарлиги**

19. Агентлик директори:

ушбу Низом ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари билан ўзига юкланган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажарилиши, шунингдек, Агентлик ишидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар кўрилиши;

амалга оширилаётган дастурлар, стратегиялар ва концепциялар бўйича кутилган натижаларга эришилиши;

Агентликда ижро интизомига оғишмай риоя этилиши учун жавоб беради.

## 20. Агентлик директорининг ўринбосарлари:

тегишли йўналишлар бўйича топшириқлар ўз вақтида ва самарали бажарилиши;

бириктирилган йўналишлар бўйича тадбиркорликни ривожлантириш вазифаларини ҳамда дастурларини таъминлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва натижадорлиги учун жавоб берадилар.

## **4-§. Агентликнинг давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, тижорат банклари билан ўзаро муносабатлари**

21. Агентлик давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, тижорат банклари билан ўзаро ҳамкорлик қилишда:

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, тижорат банкларининг фаолиятини Агентлик ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича қабулхоналари ҳамда тижорат банклари билан биргаликда тадбиркорлик фаолиятини ва тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишда мавжуд муаммоларнинг тизимли таҳлил қилинишини ташкил этади, шу асосда кейинчалик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасига оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек, тижорат банклари раҳбарлари ва мутахассислари иштирокида мажлислар чақиради;

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар, шунингдек, банк сирини ҳамда тижорат сирини қатъий риоя қилган ҳолда, тижорат банкларидан ўз ваколатига тегишли маълумотлар базаси ва ахборот ресурсларини яратиш учун зарур ахборотни сўраб олади;

ўз ваколатларига доир масалалар бўйича тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш юзасидан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради;

Агентлик ваколатига киритилган масалалар бўйича белгиланган тартибда таклифларни тайёрлаш ва киритишда иштирок этади;

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва Агентлик ваколатига киритилган бошқа масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ҳамкорлик қилади.

**5-боб. Агентлик фаолиятини молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш**

22. Агентлик фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Агентликнинг бюджетдан ташқари маблағлари, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг қўшимча даромадларининг бир қисми, халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

23. Агентлик бошқарув ходимларига нисбатан Вазирликнинг марказий аппарати ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, тиббий ва ижтимоий ҳимоя шартлари татбиқ этилади.

Агентлик директори мақоми ва меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, тиббий ва транспорт таъминоти шароитлари бўйича вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

24. Агентлик ходимларининг иш ҳақи лавозим маошидан, мукофотлардан, қўшимча тўловлар ва устамалардан, рағбатлантирувчи тўловлардан, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган қўшимча моддий рағбатлантиришлардан ташкил топади.

25. Агентлик ходимларига транспорт ва овқатланиш харажатлари учун ҳар ойлик тўловлар ҳамда байрам муносабати билан тўланадиган мукофот пуллари, шунингдек, юқори малакали ходимлар учун устамалар белгилаш Вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағлари, Жамғарманинг қўшимча даромадлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан тўланади.

Агентлик ходимларига транспорт ва овқатланиш харажатлари, байрам муносабати билан тўланадиган мукофот пуллари ҳамда юқори малакали ходимлар учун устамалар бериш тартиби Агентлик буйруғи билан тасдиқланади.

26. Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича ваколатли офисларининг жорий таъминоти ва фаолияти, шунингдек, ходимларига кўп йиллик хизматлари учун тўловлар Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича ваколатли офисларининг ходимларига нисбатан Вазирликнинг ҳудудий бошқармалари ходимлари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя шартлари татбиқ этилади.

Агентлик директори Агентликнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича ваколатли офисларининг юқори малакали ходимларига Жамғарманинг қўшимча даромадлари ҳисобидан устамалар ажратиш ҳуқуқига эга.



27. Агентликка жами 18 та, шу жумладан марказий аппаратига 3 та хизмат ва 1 та навбатчи ҳамда Агентликнинг ваколатли офисларига 14 та энгил автотранспорт воситасини харид қилиш ва сақлашга республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан лимит ажратилади.

Зарур ҳолларда, Агентликнинг қўшимча энгил автотранспорт воситаларини харид қилиш ва сақлаш харажатлари ўрнатилган тартибда Жамғарманинг қўшимча даромадлари ҳисобидан молиялаштирилиши мумкин.

#### **6-боб. Агентлик фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари**

28. Фаолият самарадорлигини баҳолаш:

Агентлик директори ва ўринбосарларининг фаолияти Вазирлик томонидан тасдиқланган баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади;

таркибий бўлинмалар бошлиқлари ва бошлиқ ўринбосарлари, шунингдек, Агентлик ходимларининг фаолияти Агентлик директори томонидан тасдиқланган баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

29. Фаолиятнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари асосида Агентлик раҳбарлари ва ходимларига нисбатан рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жазо чоралари қўлланади.

#### **7-боб. Якунловчи қоидалар**

30. Агентлик мунтазам равишда Вазирликка ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот беради.

31. Агентлик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2021 йил “17” февралдаги 77 -сон қарорига  
2-илова

**Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги  
Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш  
давлат жамғармаси тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг (кейинги ўринларда – Жамғарма) вазифалари, фаолият йўналишларини, шунингдек, унинг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлигига (кейинги ўринларда – Агентлик) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 13 августдаги ПҚ–4417-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган Жамғарманинг Бошқарув кенгашига (кейинги ўринларда – Кенгаш) ҳисобот беради.

3. Жамғарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, ушбу Низом, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) ҳамда Агентликнинг буйруқларига амал қилади.

4. Жамғарма давлат муассасаси шаклидаги юридик шахс ҳисобланади, ўзининг мустақил баланси, шахсий ғазна ҳисобварағи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга эга.

5. Жамғарманинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси;

қисқартирилган номи – Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси;

б) инглиз тилида:

тўлиқ номи – State fund for support of entrepreneurship activities under the Agency for the development of entrepreneurship;

қисқартирилган номи – State fund for support of entrepreneurship activities;

в) рус тилида:

тўлиқ номи – Государственный фонд поддержки предпринимательской деятельности при Агентстве по развитию предпринимательства;

қисқартирилган номи – Государственный фонд поддержки предпринимательской деятельности.

6. Жамғарма барча ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва шартномалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

7. Жамғарма жойлашган жой (почта манзили): Тошкент шаҳри, Қоратош кўчаси, 1-уй (7-қават), почта индекси 100027.

8. Ушбу Низомга иловада назарда тутилган талаблар олдин қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган кафиллик ва компенсацияларнинг Жамғарма томонидан тақдим этилиши шартларига татбиқ этилмайди.

9. Жамғарма ушбу Низом ва Низомга иловада кўрсатилган талаблардан келиб чиқиб, тижорат банклари ёки лизинг ташкилотлари томонидан юборилган электрон буюртмалар (кафиллик, компенсация ва бошқа хизмат кўрсатиш турлари бўйича) билан Низом ҳамда Низомга иловадаги шартларга мос келмаган ҳолатларда, тижорат банкларига ёки лизинг ташкилотларига буюртманомани рад этиш ҳуқуқига эга.

10. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**тижорат банки** – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тегишли лицензиясига эга бўлган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритаётган тижорат банки;

**қарз олувчи** – Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган ва тадбиркорлик ташаббусини амалга оширувчи кичик бизнес субъекти, кластер ёки аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига тааллуқли юридик шахс;

**кредит** – қарз олувчининг лойиҳаларини молиялаштириш учун фойдаланиладиган тижорат банки кредити;

**лизинг (молиявий ижара)** – бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (қарз олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб сотиб олишни ва уни шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига ўн икки ойдан ортиқ муддатга беришни назарда тутадиган ижара муносабатларининг алоҳида тури;

**ресурс** – нодавлат нотижорат ташкилотларига қарз маблағларини ажратиш (кейинги ўринларда – қарз маблағлари);

**компенсация** – тижорат банклари кредитлари ва лизинг ташкилотларининг лизинги бўйича фоизли харажатларнинг бир қисмини қоплаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ–4862-сонли қарорига асосан нодавлат таълим ташкилотларига сарфланган харажатларнинг 70 фоизи, бироқ ҳар бир битирувчига 1,0 млн сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорини компенсация қилиш;

**кафиллик** – қарз олувчи тижорат банки олдидаги ўз мажбуриятларини бажариши учун жавоб бериш масъулиятини Жамғармага юклайдиган кафиллик шартномаси;

**лойиҳалар** – олдиндан белгиланган вақт мобайнида тадбиркорлик фаолиятдан иқтисодий, ижтимоий ва бошқа манфаат кўриш мақсадида амалга ошириладиган ўзаро боғлиқ тадбирлар ва ишлар мажмуи, куйидагиларни назарда тутувчи мақсадлар бундан мустасно:

илгари олинган кредитларни ёки исталган бошқа қарздорликни қайтариш;  
алкоголли ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

банкдан ташқари кредит ташкилотлари ресурс базасини шакллантириш;

таваккалчиликка асосланган қимор ва бошқа ўйинларни ташкил этиш ҳамда шу мақсадлар учун ускуналарни харид қилиш;

**суғурталаш** – кредит гарови ва қайтарилмаслигини суғурталаш бўйича суғурта компанияларининг мажбурияти;

**аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари** – аҳолининг кам таъминланган қатламларидан бўлган ва ушбу Низомнинг 30-бандида белгиланган тартибда аниқланадиган шахслар тоифаси.

## **2-боб. Жамғарманинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари**

11. Куйидагилар Жамғарма фаолияти асосий йўналишлари ҳисобланади:

тадбиркорликни ривожлантиришни, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ва уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш соҳасида давлат сиёсати амалга оширилишига кўмаклашиш;

тадбиркорликни ривожлантириш орқали иш ўринлари яратиш имконини берадиган давлат, тармоқ ва худудий дастурлар, лойиҳалар ҳамда тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш;

тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш, янги турдаги маҳсулотлар яратиш ва ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, шунингдек, ишлаб чиқариш фаолиятига самарали янги технологияларни жорий этишга кўмаклашиш;

илмий-тадқиқот муассасалари билан биргаликда республикада тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш муаммоларини ўрганишга қаратилган комплекс илмий ва амалий тадқиқотлар амалга оширилишини ташкил этиш.

12. Жамғармадан молиявий ёрдам олиш учун берилган аризаларни кўриб чиқиш бўйича электрон ҳужжатлар айланиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 13 августдаги ПҚ–4417-сон қарорида маъқулланган электрон ҳужжатлар айланиши схемаларига мувофиқ амалга оширилади.

13. Жамғармадан молиявий ёрдам олган шахс Жамғарманинг буюртмасида қарз олувчи сифатида кўрсатилган солиқ тўловчининг идентификация рақами бўйича аниқланади.

14. Олдин Жамғарманинг молиявий ёрдамини олган шахс куйидаги ҳолатларда Жамғармага кафиллик ва/ёки компенсация олиш учун такроран мурожаат қилишга ҳақли бўлади:

амалдаги кафиллик шартномаси бўйича шартнома амал қилган кредит бўйича қарздорлик тўлиқ қайтарилганда;

амалдаги компенсация шартномаси бўйича шартнома амал қилган кредит бўйича қарздорлик тўлиқ қайтарилганда;

кафиллик ва компенсация тақдим этиш тўғрисидаги шартнома томонларнинг розилиги билан бекор қилинганда ёки ҳақиқий эмас деб топилганда.

### **3-боб. Жамғармани бошқариш**

15. Таркиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланадиган Кенгаш Жамғармани бошқарувининг олий органи ҳисобланади.

16. Агентлик:

Жамғарма вақтинча бўш маблағларини тижорат банкларининг депозитларига ва бошқа молиявий активларига жойлаштириш бўйича чекланган параметрларни белгилайди;

Жамғарманинг фаолияти, шу жумладан маблағларнинг мақсадли йўналтирилиши, тадбиркорлик субъектларига молиявий ёрдам кўрсатишга доир қарорларнинг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан назоратни амалга оширади;

Жамғарма томонидан ушбу Низомда кўрсатилмаган молиявий ёрдамнинг бошқа турларини кўрсатиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари бўйича ҳар йилги прогнозларни тасдиқлайди;

Кенгаш:

Жамғарма молиявий ёрдам кўрсатиши учун ишлаб чиқаришнинг устувор соҳалари ва кичик тадбиркорлик йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқади, тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

Жамғарма ижро этувчи органининг Жамғарма маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги, шунингдек, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар вакилларининг амалга оширилаётган операциялар самарадорлиги, тақдим этилган ресурслар, Жамғарма кафиллиги ҳамда компенсациялари натижалари ҳақидаги ҳисоботларини мунтазам эшитади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Жамғарманинг устав капиталини ошириш тўғрисида таклифлар киритади.

17. Тузилмаси ўрнатилган тартибда Вазирлик буйруғи билан тасдиқланадиган Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси (кейинги ўринларда – Ижро этувчи дирекция) унинг ижро этувчи органи ҳисобланади.

18. Ижро этувчи дирекцияси:

Жамғарма жорий фаолиятини оператив бошқаради;

тижорат банкларидан тушган буюртмаларни кўриб чиқади, ўз ваколатлари доирасида Жамғарманинг кафиллиги ва компенсацияларини тақдим этиш тўғрисида қарорлар қабул қилади ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларига ресурслар ажратади;

Ўзбекистон Республикасининг навбатдаги йил учун Давлат бюджети асосий параметрлари билан боғлиқ ҳолда, Жамғарма даромадлари ва харажатларининг ҳар йилги прогнозларини шакллантиради ҳамда Агентлик билан келишилган ҳолда Кенгашга киритади;

Жамғарма маблағларини шакллантириш манбаларини кенгайтиришга доир таклифларни ишлаб чиқади ва кўриб чиқиш учун Агентлик билан келишилган ҳолда Кенгашга киритади;

Жамғарма олдида қўйилган вазифаларнинг ўз вақтида ва самарали бажарилиши учун зарур қўшимча маблағларни жалб этиш бўйича амалий чоралар кўради;

Жамғарма даромадлари ва харажатларини ҳисобга олиш ҳамда уларнинг ижроси тўғрисида ҳисоб юритилишини, ҳисобот берилишини таъминлайди ҳамда тасдиқлаш учун Агентлик билан келишилган ҳолда Кенгашга тақдим этади;

Жамғарманинг йиллик аудитдан ўтказиш учун, шу жумладан унинг маблағларидан мақсадли фойдаланиш бўйича Агентлик билан келишилган ҳолда аудиторлик ташкилотини белгиланган тартибда жалб этади;

Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишнинг тизимли мониторингини олиб боради ҳамда бу тўғрисида Агентликка ҳар ойда ҳисобот бериб туради;

Жамғарманинг вақтинчалик бўш маблағларини тижорат банкларининг депозитларига ва бошқа молиявий активларга жойлаштириш юзасидан Агентлик билан келишилган ҳолда Кенгашга таклифлар киритади.

19. Вазирлик буйруғи билан белгиланган тартибда лавозимига тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган Ижрочи директор Ижро этувчи дирекциянинг раҳбари ҳисобланади.

Агентлик директорининг ўринбосарларидан бири бир вақтнинг ўзида Жамғарманинг ижро этувчи директори ҳисобланади.

Ижрочи директор Агентлик директори билан келишган ҳолда малакали, шу жумладан хорижлик мутахассисларни уларнинг хизмат ҳақини Жамғарманинг ўз маблағлари ҳисобига тўлаган ҳолда жалб қилишга ҳақли.

Ижрочи директор:

Жамғармага юкланган вазифалар ва функцияларга мувофиқ Ижро этувчи дирекция фаолиятини ташкил этади ва унинг учун шахсан жавоб беради;

Агентлик билан келишилган ҳолда, Ижро этувчи дирекцияни ходимларнинг белгиланган сони доирасида активларни бошқариш, бизнесни, шу жумладан тадбиркорликнинг турли йўналишларига оид инвестиция лойиҳаларини таҳлил қилиш, экспертизадан ўтказиш ва молиялаштириш соҳасида юқори малакали мутахассислар билан тўлдиришни ташкил этади;

халқаро ва хорижий ташкилотларда Жамғарма манфаатларини ифода этади;

Жамғарма номидан меҳнат, хўжалик, кредит шартномалари ва бошқа шартномаларни, шу жумладан кафиллик, компенсациялар ва ресурслар тақдим этиш ҳамда вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банкларида депозитга жойлаштириш тўғрисидаги шартномаларни имзолайди;

бажарилган ишлар ҳамда келгуси чорак учун иш режалари тўғрисида ҳар чоракда Агентлик ва Кенгаш олдида ҳисоб беради.

Жамғарма Ижрочи директорининг ўринбосари Агентлик директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

Ижро этувчи дирекциянинг таркибий бўлинмалари раҳбарлари Агентлик директори билан келишилган ҳолда, Ижрочи директор томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

20. Ижро этувчи дирекциянинг харажатлар сметаси ва штатлар жадвали Агентлик томонидан тасдиқланади.

Жамғарма маблағларидан тўғри ва самарали фойдаланиш юзасидан жавобгарлик жамғарма Ижро этувчи дирекциясига юкланади.

Жамғарма ўзининг бухгалтерия ҳисобини Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бўйича юритади.

21. Агентлик, унинг ҳудудий ваколатли офислари ва жамғарма ходимларини рағбатлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида Жамғарма бюджетдан ташқари маблағларининг сарфланиши бўйича низом ишлаб чиқади ҳамда Агентлик билан келишади, ушбу низом Кенгаш томонидан тасдиқланади.

22. Ижро этувчи дирекциянинг ходимларига давлат бошқаруви органлари ходимлари учун Вазирликнинг марказий аппарати ходимларига белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш шартлари жорий этилади.

23. Жамғарма ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, мукофотлар, кўшимча ҳақ ва устамалар, рағбатлантирувчи тўловлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган кўшимча моддий рағбатлантириш маблағларидан иборат бўлади.

24. Хизмат вазифаларини бажаришда фойдаланиш учун Жамғармага 1 дона шахсан бириктирилган ҳамда 1 дона навбатчи автотранспорт воситасини сақлаш учун лимит ажратилади.

#### **4-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш**

25. Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджетни таркибига киради ва унинг ҳисоби белгиланган тартибда Давлат бюджетининг ғазна ижроси орқали амалга оширилади.

26. Жамғарма маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

а) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 августдаги ПҚ–3225-сон қарорига 1-иловада кўрсатилган ташкилотларнинг бадаллари ҳисобига шакллантириладиган бошланғич бадал;

б) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ушбу мақсадлар учун ҳар йилги тасдиқланадиган ажратмалар доирасидаги маблағлари;

в) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳар йилги соф фойдасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига йўналтириладиган бир қисми;

г) халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотлари ва бошқа донорларнинг Жамғармага юкланган вазифаларни амалга ошириш учун жалб этиладиган кредитлари (қарзлари) ва грантлари;

д) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ–4862-сон қарорига мувофиқ;

Агентлик томонидан Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси юқоридаги қарорнинг 3-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш учун беғараз асосида ажратган 9,0 млн АҚШ доллари эквивалентидаги Жамғармага йўналтирадиган маблағлар;

тажриба тариқасида кенг аҳоли қатламларини тадбиркорликка ўқитиш ва унга жалб қилиш лойиҳаларини амалга оширадиган нодавлат ноижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида йўналтириш учун Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 2,0 млн АҚШ доллари эквивалентидаги Жамғармага ажратиладиган маблағлар;



е) Жамғарманинг, шу жумладан вақтинча бўш маблағларни тижорат банкларига депозитларга жойлаштириш, кафилликлар беришдан тушадиган даромадлари, шунингдек, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар.

27. Жамғарма маблағлари Жамғарма фаолияти бўйича йўналишларни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида белгиланган тартибда очиладиган шахсий ғазна ҳисобварақларида жамланади.

28. Жамғарма маблағларидан:

қарз олувчиларнинг кредитлари бўйича тақдим этилган кафилликлар билан боғлиқ тўловларни тижорат банкларига тўлаш;

тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоизли харажатларнинг бир қисмини қоплаш;

белгиланган тартибда нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ўтказилган танлов ғолибларига ресурс ажратиш;

кредит қайтарилмаслигини суғурталашнинг барча шартномалари, жумладан, молиявий йил давомида “Кафолат суғурта компанияси” АЖни ўз капиталининг 10 фоизи миқдорида гаров таъминоти, кафиллик ва кафолат билан (кредитлар ва лизинг операциялари бўйича тадбиркорлик таваккалчилигини суғурталаш) қопланмаган суғурта қопламаси умумий ҳажми ошиб кетганда, “Кафолат суғурта компанияси” АЖнинг йўқотишларини қоплаб бериш;

Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан ажратилган ресурсларни тажриба тариқасида микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларига ёшлар ва хотин-қизларни кичик тадбиркорликка жалб қилиш лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилади;

Жамғарма фаолиятини моддий-техник таъминлаш, асосий воситалар ва номоддий активларни харид қилиш, ушбу низомнинг 21-бандида кўрсатилган харажатларни, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнатга ҳақ тўлашга тенглаштирилган тўловларни ҳамда рағбатлантирувчи тусдаги тўловларни тўлаш харажатларини амалга ошириш учун фойдаланилади.

Ушбу бандда қайд этилган мақсадларни молиялаштириш учун ажратилган Жамғарма маблағларидан қатъий белгиланган йўналишларда фойдаланилади.

29. Жамғарма кафиллиги ва компенсациялари фақат янги ажратиладиган кредитлар ва лизинглар учун берилади, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Аввал ажратилган кредитлар бўйича компенсациялар бериш тўғрисида қарз олувчиларнинг мурожаатлари тижорат банклари томонидан кейинчалик Жамғармага юбориш учун қабул қилинади.

**5-боб. Аҳолини ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун тижорат банклари кредитларини ажратишда Жамғарма кафиллиги берилишини кўриб чиқишнинг шартлари ва тартиботи**

30. Қарз олувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Агентлик ва Жамғарма томонидан белгиланган мезонларга мослиги, шунингдек, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатдан ўтганлиги аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун тижорат банклари ажратадиган кредитлар бўйича Жамғарма кафиллигини бериш шarti ҳисобланади.

31. Тижорат банклари аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун кредитлар ажратишда Жамғарма кафиллигини кредит суммасининг 50 фоизигача (шу жумладан 50 фоизи), бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда қабул қилади.

32. Қарз олувчи кредитни қайтарганда ва кредит бўйича ўз мажбуриятларини имкон қадар камайтирганда, биринчи навбатда, кредит бўйича қайтарилган суммага мутаносиб равишда Жамғарма кафиллиги таъминланишидан озод этилади. Бунда қарз олувчи томонидан ажратилган кредит бўйича таъминлаш сифатида тақдим этилган мулк фақат Жамғарма кафиллиги тўлиқ қопланганидан сўнг гаровдан озод этилади.

33. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун тижорат банклари ажратадиган кредитлар бўйича Жамғарма кафиллигини бериш хизматлари бепул ҳисобланади.

34. Қарз олувчи лойиҳани молиялаштиришга кредит олиш учун тижорат банкининг филиалига ариза билан мурожаат қилади, унда куйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда Жамғарма кафиллигини олиш истагини билдиради:

қарз олувчининг банк ҳисобварағига пул маблағлари тушиш прогнози (амалга ошириладиган лойиҳа бўйича пул оқими) кўрсатилган бизнес-режа;

кредит бўйича таъминлаш сифатида тақдим этиладиган гаров тўғрисидаги маълумот.

35. Тижорат банкининг филиали ариза ва ҳужжатларнинг тўлиқ туркумини олгандан сўнг икки кун ичида:

қарз олувчининг белгиланган мезонларга мувофиқлигини, шунингдек, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида рўйхатдан ўтганлигини аниқлайди;

тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлигини текширади. Ҳужжатларнинг тўлиқ бўлмаган туркуми тақдим этилганда, банк филиали бир кун муддатда тегишли ахборот (ҳужжат)ни сўраб олади;

тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқади, қонунчилик ва ички кредит сиёсатида белгиланган тартиботга мувофиқ лойиҳанинг молиявий-иқтисодий самарадорлигини баҳолайди.

### 36. Қуйидаги ҳолларда:

кредит ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинганда – банк филиали Жамғарма кафиллигини олиш учун буюртмани илова қилган ҳолда ўз хулосасини тижорат банкига юборади ва бу ҳақда қарз олувчини хабардор қилади;

кредит ажратиш рад этилганлиги тўғрисида қарор қабул қилинганда – банк филиали рад этишнинг асосли сабабларини кўрсатган ҳолда қарз олувчига ёзма жавоб юборади.

37. Тижорат банки филиалдан ҳужжатларни олгандан сўнг бир кун мобайнида:

олинган ҳужжатларни кўриб чиқади;

Жамғарма томонидан белгиланган тартибда буюртмани тайёрлайди;

ажратиладиган кредитлар бўйича қарз олувчига кафиллик бериш тўғрисида Жамғармага буюртмани юборади.

Буюртмада кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги учун тижорат банкининг имзо қўйган мансабдор шахси жавоб беради.

38. Буюртма қабул қилингандан сўнг Жамғарма икки кун мобайнида:

буюртмани кўриб чиқади ва уни ушбу Низом талабларига мувофиқлиги юзасидан текширади;

қабул қилинган қарор тўғрисида тижорат банкани хабардор қилади.

39. Кафиллик олиш учун талабларга мувофиқ бўлмаган тақдирда, Жамғарма хабарномада рад этишнинг асосли сабабларини кўрсатади.

40. Буюртма маъқулланганлиги тўғрисида хабарнома олингандан сўнг тижорат банки бир кун мобайнида банк филиали томонидан:

қарз олувчи билан кредит шартномаси;

Жамғарма ва қарз олувчи билан кафиллик шартномаси тузилишини таъминлайди.

Кафиллик шартномаси электрон рақамли имзо билан имзоланган бўлиши мумкин.

41. Жамғарманинг берилган кафиллик бўйича тижорат банки олдидаги мажбуриятлари кафиллик шартномаси барча томонлари томонидан имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради.

42. Жамғарманинг берилган кафилликлар бўйича тижорат банки олдидаги мажбуриятлари қуйидаги ҳолатларда тўхтатилади:

кредит бўйича асосий қарз кафиллик суммаси миқдорида тўлиқ қайтарилганда;

Жамғарма томонидан кафиллик бўйича тўловлар амалга оширилганда;

Жамғарманинг ёзма равишдаги рухсатсиз кредит шартномаси бўйича мажбуриятлардаги шахслар ўзгарганда.

Жамғарманинг кафилликлар бўйича мажбуриятлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда ҳам тўхтатилиши мумкин.

### **6-боб. Компенсацияни бериш, тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва қайта тиклаш тартиби**

43. Жамғарма ушбу Низомга иловада назарда тутилган тартибда компенсациялар беради.

44. Тижорат банклари ва лизинг ташкилотлари компенсацияларни олувчи ҳисобланади.

45. Кредит ва лизинг ставкалари, муддатлари ва бошқа параметрлари ўзгарган тақдирда, компенсацияларнинг ставкаси ва суммаси ўзгармасдан, компенсация бериш тўғрисида қарор қабул қилинган санада қайд этилган даражада қолади.

46. Жамғарма жорий кредитлар, лизинглар ёки бюджетга тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган қарз олувчиларнинг лойиҳалари бўйича компенсация бермайди.

47. Кредит ёки лизинг берилиши учун зарур бўлган қонун ҳужжатлари ва тижорат банкининг ёки лизинг ташкилотининг кредит сиёсатида назарда тутилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда, қарз олувчининг тижорат банки филиали ёки лизинг ташкилотига мурожаат қилиши компенсация ташаббусига асос ҳисобланади.

48. Кредит ёки лизинг беришнинг имконияти тўғрисидаги масалани кўриб чиққандан сўнг тижорат банкининг филиали қарор қабул қилинган санадан бошлаб икки кун мобайнида:

кредит ёки лизинг ажратиш тўғрисида қарор қабул қилса – компенсация бериш тўғрисидаги буюртмани тижорат банкига тақдим этади ва бу ҳақда қарз олувчини хабардор қилади;

кредит ёки лизинг ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилса – рад этишнинг асосли сабабларини кўрсатган ҳолда қарз олувчига ёзма жавоб юборади;

тижорат банклари ёки лизинг ташкилотлари кредит ёхуд лизинг ажратиш тўғрисида қарор қабул қилса – компенсация бериш тўғрисидаги буюртмани Жамғарманинг “Тадбиркор” ахборот тизимида киритади ва буюртмани электрон рақамли имзо (ЭРИ) билан имзолайди;

кредит ёки лизинг ажратишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилса – рад этишнинг асосли сабабларини кўрсатган ҳолда қарз олувчига ёзма жавоб юборади.

Буюртмада кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги учун лизинг ташкилотининг уни имзолаган мансабдор шахси жавоб беради.

49. Тижорат банки ўз филиалидан ҳужжатлар олингандан сўнг бир кун мобайнида:

олинган ҳужжатларни кўриб чиқади;

Жамғарма томонидан белгиланган шаклга кўра буюртмани тайёрлайди;  
қарз олувчига компенсация берилиши учун Жамғарманинг “Тадбиркор” ахборот тизимига киритади ва буюртмани ЭРИ билан имзолайди.

Буюртма электрон рақамли имзо билан имзоланиши мумкин.

Буюртмада кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги учун тижорат банкининг уни имзолаган мансабдор шахси жавоб беради.

50. Ижро этувчи дирекция буюртма Жамғармага тушган санадан бошлаб уч кун мобайнида уни кўриб чиқади ва компенсация бериш ёки беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

51. Жамғарма бир кун мобайнида тижорат банкани қабул қилинган қарор тўғрисида (рад этилган тақдирда – асосли сабаблар кўрсатилган ҳолда) кейинчалик банк филиали ва қарз олувчига маълумот бериш учун хабардор қилади.

52. Компенсация берилгани тўғрисида билдиришномани олгандан сўнг икки кун мобайнида:

тижорат банки филиали ёки лизинг ташкилоти компенсация берилгани тўғрисида қарз олувчини хабардор қилади;

тижорат банки филиали ёки лизинг ташкилоти, қарз олувчи ва Жамғарма компенсация берилиши тўғрисида шартномани ЭРИ билан имзолайдилар.

53. Тижорат банкининг филиали компенсация берилиши тўғрисидаги билдиришномани олгандан сўнг уч кун мобайнида қарз олувчи билан кредит шартномасини имзолайди.

54. Лизинг ташкилоти компенсация берилиши тўғрисидаги билдиришномани олгандан сўнг уч кун мобайнида қарз олувчи билан лизинг шартномасини имзолайди.

55. Компенсация берилиши рад этилгани тўғрисидаги билдиришномани олган тижорат банки бир кун мобайнида бу ҳақда банк филиали ва қарз олувчини хабардор қилади.

Компенсация берилиши рад этилгани тўғрисидаги билдиришномани олган лизинг ташкилоти бир кун мобайнида бу ҳақда қарз олувчини хабардор қилади.

56. Ҳар бир ой учун компенсация Жамғарма томонидан ой якунлангандан сўнг 20 кун мобайнида, тижорат банки томонидан Жамғармага ой якунлангандан сўнг 15 кун мобайнида тақдим этиладиган компенсация реестри асосида тўланади.

Ҳар бир ой учун компенсация Жамғарма томонидан ой якунлангандан сўнг 20 кун мобайнида, лизинг ташкилоти томонидан Жамғармага ой якунлангандан сўнг 15 кун мобайнида тақдим этиладиган компенсация реестри асосида тўланади.

57. Тижорат банки ва лизинг ташкилоти компенсация берилиши тўғрисидаги шартнома амал қиладиган ҳар бир кредитнинг қолдиқлари бўйича ҳисобланган фоизлардан келиб чиққан ҳолда компенсация реестрини тузади.

Бунда:

реестрни Жамғарма талаблари доирасида электрон тарзда шакллантиради;

лойиҳа ташаббускорларининг кредит ва лизинг маълумотларининг Жамғарманинг “Тадбиркор” ахборот тизимига интеграциясини таъминлайди;

ЭРИ билан имзоланган реестрни “Тадбиркор” ахборот тизими орқали етказилади.

Тижорат банки ва лизинг ташкилоти шакллантириладиган реестрнинг барча ҳисоб-китобларини исталган муддатга онлайн режимда Жамғармага тақдим этиш имкониятини яратишни назарда тутувчи дастурий таъминотга эга бўлиши лозим.

58. Тижорат банклари ва лизинг ташкилотлари компенсация реестрининг ҳаққонийлиги ва тўлиқлиги, шунингдек, Жамғармага ўз вақтида тақдим этилиши учун жавоб беради.

59. Тижорат банклари ва лизинг ташкилотлари белгиланган тартибда:

мазкур Низом доирасида ажратилган кредитлар ва лизингларнинг ҳисобини муддати ва қарз олувчининг тури бўйича алоҳида баланс ҳисобварақларда;

компенсация шартномаларига асосан ҳисобланган ва Жамғарма томонидан компенсация қилинадиган фоизларнинг ҳисобини алоҳида баланс ҳисобварақларда юритади.

60. Хорижий валютадаги кредитлар бўйича компенсациялар миллий валютада, компенсация тўлови амалга ошириладиган ойдан кейинги ойнинг биринчи кундаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича тўланади.

61. Жамғарма компенсацияси тижорат банки ёки лизинг ташкилотининг тақдим этган реестри асосида бир пайтнинг ўзида бир қанча кредит ёки лизинг шартномалари бўйича:

асосий банкнинг 29801 – “Мижозлар билан ҳисоб-китоблар” транзит ҳисобварағига ўтказилади;

лизинг ташкилотининг талаб қилиб олгунча ҳисобварағига ўтказилади;

29801 – “Мижозлар билан ҳисоб-китоблар” транзит ҳисобварағига тушган маблағлар банкнинг 16325 – “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси компенсацияси” ҳисобварағига автоматик равишда ўтказилади.

62. Лизинг ташкилотининг талаб қилиб олгунча ҳисобварағига тушган маблағлар қарз олувчиларнинг ҳисобварағига автоматик равишда ўтказилади.

63. Қарз олувчилар кредитни муддати ўтганидан сўнг қайтарган ҳолатларда, ажратиладиган компенсация суммаси тасдиқланган қайтариш жадвалида қайд этилган суммадан ошмаслиги лозим.

64. Жамғарма компенсация беришни:

компенсация бериш тўғрисидаги шартнома амал қиладиган кредитдан ёки лизингдан бошқа мақсадда фойдаланилганда;

қарз олувчи томонидан кредит ёки лизинг бўйича асосий қарзнинг тегишли қисми кредит ёки лизинг шартномаси бўйича тўловлар жадвалига мувофиқ мажбуриятлар юзага келадиган санадан бошлаб 90 кун мобайнида қайтарилмаганда;

қарз олувчи, лизинг ташкилоти ва/ёки тижорат банкининг буюртмасида ишончсиз ёки нотўғри маълумотлар аниқланганда тўхтатиб туради.

Тижорат банки ва лизинг ташкилоти ушбу бандда назарда тутилган ҳолатларни аниқлаш мақсадида қарз олувчининг фаолияти юзасидан, шу жумладан жойига чиқиб мониторинг олиб боради ва улар аниқланганда, бу тўғрида Жамғармани уч кун мобайнида хабардор қилади.

65. Жамғарма компенсация беришни тўхтатиб туриш учун асос бўладиган ҳолат аниқлангани тўғрисида тижорат банкининг ёки лизинг ташкилотининг хабарини олгандан сўнг уч кун мобайнида компенсация беришни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилади ва бу тўғрисида тижорат банкни ёки лизинг ташкилотини хабардор қилади.

66. Компенсация беришни тўхтатиб туриш учун асос бўладиган сабаблар бартараф этилгач, компенсация бериш қайта тикланиши мумкин.

67. Жамғарма:

қарз олувчи кредит ёки лизинг шартномаси бўйича кредитни ёки лизингни тўлиқ қайтарса;

кредит ёки лизинг шартномасининг амал қилиши тўхтатилса;

компенсация бериш тўғрисидаги шартноманинг амал қилиши тўхтатилса, компенсация беришни тўхтатади.

Жамғарма қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатларда ҳам компенсация беришни тўхтатиши мумкин.

68. Компенсация бериш тўхтатилган ёки компенсация бериш тўғрисидаги шартнома муддатидан олдин бекор қилинган ҳолатларда, қарз олувчи кредит ёки лизинг бўйича фоизларни тўлиқ тўлайди.

**7-боб. Тижорат банкларининг кредитлари бўйича тадбиркорлик субъектларига Жамғарманинг кафиллиги берилишини кўриб чиқиш шартлари ва тартиби**

69. Жамғарма ушбу Низомга иловада назарда тутилган кафилликларни беради.

70. Жамғарма фақат:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган ва фаолиятини амалга ошираётган;

тугатилиш босқичида бўлмаган;

жорий кредит ва бюджетга тўловлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлиги бўлмаган;

уларга нисбатан банкротлик тартиби кўзғатилмаган;

ушбу Низомда белгиланган бошқа талабларга риоя қиладиган қарз олувчига кафиллик беради.

71. Қарз олувчининг қонун ҳужжатларида ва тижорат банкининг кредит сиёсатида назарда тутилган кредит бериш учун зарур бўлган ҳужжатларни илова қилган ҳолда тижорат банки филиалига мурожаат қилиши кафиллик ташаббуси билан чиқиш учун асос ҳисобланади.

72. Кредит бериш имконияти тўғрисидаги масала кўриб чиқилгандан кейин тижорат банкининг филиали қарор қабул қилинган санадан бошлаб икки кун мобайнида:

кредит ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинса – кафиллик олиш учун буюртмани “Тадбиркор” ахборот тизимида киритади;

кредит ажратиш рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинса – рад этишнинг асосли сабабларини кўрсатган ҳолда қарз олувчига ёзма жавоб юборади.

73. Тижорат банки филиалдан ҳужжатлар олинганидан кейин бир кун мобайнида:

олинган ҳужжатларни кўриб чиқади;

“Тадбиркор” ахборот тизимидаги буюртмани тўғри тўлдирилганини текширади ва уни ЭРИ билан тасдиқлайди;

буюртмада хатоликлар аниқланса, тижорат банки филиалига қайтаради.

Буюртмада кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги учун тижорат банкининг уни имзолаган мансабдор шахси жавоб беради.



74. Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси буюртма Жамғармага тушган санадан бошлаб уч кун мобайнида уни кўриб чиқади ва кафиллик бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

75. Жамғарма бир иш куни мобайнида тижорат банкини қабул қилинган қарор тўғрисида (рад этилганда тақдирда – асосли сабаблар кўрсатилган ҳолда) кейинчалик банк филиали ва қарз олувчини хабардор қилади.

76. Кафиллик бериш тўғрисида Жамғарманинг ижобий қарори олинганда, тижорат банки филиали икки кун мобайнида қарз олувчи билан биргаликда кафиллик берилиши тўғрисида шартномани ЭРИ билан имзолайди.

77. Кафиллик берилганлиги учун миллий валютада кафиллик суммасининг бир фоизи миқдорида бир марталик воситачилик ҳақи белгиланади. Воситачилик ҳақи қарз олувчининг исталган ҳисобрақами, жумладан, транзит ҳисобрақамлар орқали ҳам тўлаб берилиши мумкин.

Жамғарманинг кафиллик бўйича мажбуриятлари воситачилик ҳақи тўлиқ тўланган санадан бошлаб кучга киради. Уч томонлама имзоланган кафиллик шартномаси томонларнинг розилиги билан бекор қилинган тақдирда, шартнома бўйича тушган воситачилик ҳақи қарз олувчига қайтарилмайди.

78. Кафиллик бўйича мажбуриятлар қуйидаги ҳолатларда тўхтатилади:

қарз олувчи томонидан кафиллик бўйича тўловнинг кредит ажратилгунга қадар амалга оширилмаслиги;

кредит бўйича асосий қарзнинг кафиллик билан таъминланган қисмининг тўланиши;

Жамғарма томонидан кафиллик бўйича тўловнинг амалга оширилиши;

Жамғарманинг ёзма рухсатисиз кредит шартномаси бўйича мажбуриятларда шахсларнинг алмаштирилиши;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

79. Жамғарма кафиллик портфелининг қисман ёки тўлиқ ҳажми учун суғурта қопламасини жалб этиш ҳуқуқига эга. Бунда суғурта қопламаси бўйича сарф-харажатлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

80. Кредит қайтарилмаслигини суғурта қилишнинг барча шартномалари бўйича суғурта қопламасининг умумий ҳажми (кредитлар ва лизинг операциялари бўйича тадбиркорлик таваккалчилигини суғурта қилиш) молиявий йилда “Кафолат” суғурта компанияси АЖ капиталининг 10 фоизидан ортиқ бўлган тақдирда, компаниянинг ўз капитали 10 фоизидан ортиқ суммадаги йўқотишлари Жамғарма маблағлари ҳисобидан компенсация қилинади.

## **8-боб. Берилган кафиллик бўйича мажбуриятларнинг Жамғарма томонидан бажарилиш тартиби**

81. Қарз олувчи кредитни қайтарганда ва кредит бўйича ўз мажбуриятларини камайтирганда, биринчи навбатда, кредит бўйича қайтарилган суммага мутаносиб равишда Жамғарма кафиллиги таъминланишидан озод этилади. Бунда қарз олувчи томонидан ажратилган кредит бўйича таъминлаш сифатида тақдим этилган мол-мулк фақат Жамғарма кафиллиги тўлиқ қоплангандан сўнг гаровдан озод этилади.

82. Тижорат банки берилган кредит бўйича тўловлар ўз вақтида амалга оширилиши бўйича мажбуриятлар бажарилиши юзасидан қарз олувчи фаолиятининг мониторингини, шу жумладан жойига чиқиб олиб боради.

83. Қарз олувчи берилган кредит бўйича мажбуриятларни бажармаса ёки тегишли равишда бажармаса, банк қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда унга ёзма талаблар қўяди.

84. Қарз олувчи кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган санадан (тегишли равишда бажармаганда) бошлаб банк 90 календарь куни мобайнида қарз олувчидан кредит бўйича асосий қарзнинг қайтарилмаган суммасини олиш, ундан фоизларни ундириш ва кредит шартномасида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариши учун, жумладан:

қарз олувчининг ҳисобрақамидаги маблағларни унинг рухсатисиз олиб қўйиш;

ундирувни гаров предметиға қаратиш ва таъминлашга талаблар қўйиш (Жамғарма кафиллиги бундан мустасно) йўли билан барча оқилон ва юзага келган вазиятда мумкин бўлган чораларни кўришга мажбур;

кредит таъминоти сифатида суғурта полиси олинган ҳолларда ҳам ундирув аввал суғурта полисига қаратилади.

Жамғарма кафиллиги бўйича жавобгарлик субсидиар ҳисобланади.

Ушбу бандда назарда тутилган барча зарур тартиботлар бажарилгандан сўнг, агар кредит шартномасида белгиланган тартибда банк олдидаги қарз суммаси қайтарилмаса, банк Жамғармага қуйидагилар қайд этилган талабларни қўяди:

кафиллик шартномаси реквизитлари (шартнома тузилган сана, рақами, банк ва Жамғарма кафил бўлган қарз олувчининг номи);

кафиллик шартномаси билан таъминладиган кредит шартномаси реквизитлари (шартнома тузилган сана, рақами ва бошқалар);

кредит бўйича асосий қарз ва асосий қарзга ҳисобланган фоизлар суммасига бўлинган талаблар ҳажми;

қарз олувчининг шартнома бўйича бажарилмаган мажбуриятлари ҳажми бўйича жавобгарликнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда, Жамғарманинг кафиллик шартномаси бўйича молиявий жавобгарлик ҳажмининг ҳисоб-китоби;

Жамғарма томонидан тўланадиган маблағлар ўтказилиши керак бўлган ва тўлов реквизитлари кўрсатилган банк ҳисобварағи;

банк талабларини қаноатлантириш муддатлари.

85. Талаб (эътироз) тижорат банкининг ваколатли шахси томонидан имзоланиши ва банк муҳрининг босма изи билан тасдиқланиши керак.

86. Ушбу талабга қуйидагилар илова қилинади:

талабни (эътирозни) имзолайдиган шахснинг ваколатини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;

қарз олувчининг қарздорлиги ҳисоб-китоби ва Жамғарма жавобгарлигининг ҳисоб-китоби;

қарз олувчининг банк олдидаги қарздорлигини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси;

банкнинг қарз олувчига йўллаган талабининг (эътирозининг) нусхаси;

тижорат банки ушбу Низомда қайд этилган қарз олувчига нисбатан чоралар кўргани ва тегишли ишларни амалга оширганлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар нусхалари билан биргаликда амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумотнома.

Банкнинг Жамғармага нисбатан талаби (эътирози) қайд этилган барча ҳужжатлар тижорат банкининг ваколатли вакили томонидан тасдиқланиб, банк муҳрининг босма изи билан мустаҳкамланиши лозим.

87. Тақдим этилган талаб Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси томонидан берилган кафиликка ва илова қилинган ҳужжатларга мувофиқлиги бўйича кўриб чиқилади. Кўриб чиқиш кафиллик шартномасида назарда тутилган муддатларда амалга оширилади.

88. Жамғарма тижорат банкига кафиллик суммасини тўлаш ҳақидаги талабни бажаришни тақдим этилган ҳужжатлар кафиллик шартномаси шартларига мувофиқ бўлмаганда рад этишга ҳақли.

Эътирозлар билдирилган тақдирда, Жамғарма банкдан талаб тушган санадан бошлаб уч кун мобайнида тижорат банкига мавжуд барча эътирозлар кўрсатилган хатни юборади.

89. Жамғарма эътирозлар билдирилмаганда, тижорат банки томонидан кўрсатилган ҳисобварағига пул маблағларини ўтказиши шарт. Жамғарма тижорат банкининг талаблари асосида ва кафиллик шартномасига мувофиқ тижорат банкига кредитнинг тўланмаган қисми бўйича кафиллик шартномасида кўрсатилган мажбуриятлар суммасидан ошмайдиган миқдорда кредитнинг асосий қарзи ва асосий қарзига ҳисобланган фоизлар тўловини амалга оширади.

90. Жамғарма мажбуриятлари Жамғарма томонидан тижорат банкига пул маблағлари ўтказилган пайтдан бажарилган ҳисобланади.

91. Кафиллик бўйича тўловлар тўлагандан сўнг тижорат банки қарз олувчининг бошқа ликвид мулки ҳисобидан, шу жумладан судга мурожаат қилиш орқали қопланишини регресс тартибида талаб қилишга ҳақли.

**9-боб. Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан ажратилган ресурсларни тақдим этиш тартиби**

92. Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан ажратилган ресурслар тажриба тариқасида ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш ва унга жалб қилиш лойиҳаларини амалга оширадиган нодавлат нотижорат ташкилотларини Жамғарма томонидан қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.

93. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш ва уларга микромолиявий хизматлар кўрсатишдан иборат комплекс дастурларини амалга ошириш учун Жамғарма ҳисобидан танлов асосида 5 йил муддатга, жумладан, бир йиллик имтиёзли давр билан йиллик 4 фоиз ставкада қарз маблағлари ажратилади.

94. Агентлик нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида мазкур маблағлар ҳисобидан қарз ажратиш бўйича танловларни эълон қилади.

95. Танлов ғолиблари ва Жамғарма ўртасида қарз маблағларини ажратиш бўйича ижтимоий шериклик тўғрисида шартномалар (кейинчалик – шериклик шартномаси) имзоланади.

96. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзларига ажратилган қарзнинг бир қисмини микрокредит ташкилотларига шартнома асосида ресурс сифатида жойлаштирилиши мумкин.

97. Шериклик шартномасига асосан Жамғарма маблағларни нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳисобрақамига ўтказилади.

98. Шериклик шартномасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг мажбуриятлари белгилаб берилади. Жумладан, ресурсларнинг самарали ва мақсадли ишлатилиши, ҳар ойнинг 5-санасига қадар ҳисобланган фоизларни Жамғарма ҳисобрақамига ўтказиб берилиши ва улар билан боғлиқ тегишли солиқлар ўз вақтида тўланиши ва қонунчиликда белгиланган бошқа шартлар келишувда кўрсатиб ўтилади.

99. Нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан олинган қарз маблағлари ва уларга ҳисобланган фоизлар Жамғармага шериклик шартномасида кўрсатилган муддатларда қайтарилади.

100. Агентлик ажратиладиган маблағларнинг самарали ва мақсадли фойдаланилиши бўйича мониторинг ўрнатади.

Агентлик томонидан ажратилган ресурс маблағларидан самарасиз ва мақсадсиз фойдаланилган ҳолатлари аниқлаганда, Жамғарма нодавлат нотижорат ташкилотидан ресурсларнинг тегишли қисмини ва унга ҳисобланган фоизларни муддатидан аввал қайтаришни талаб қилишга ҳақли. Бунда Жамғарма нодавлат нотижорат ташкилотига акцептсиз талабнома қўяди. Ушбу талаблар шериклик шартномасида кўрсатилади.

101. Жамғарма томонидан шериклик шартномасига асосан ресурслар ушбу мақсадга ажратилган маблағлар қолдиғи доирасида ажратилади.

102. Жамғарма ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг 5-санасидан кечикмасдан, ажратилган ресурслар тўғрисида Агентликка ҳисобот беради.

103. Ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитиш ва унга жалб қилиш лойиҳаларини амалга оширадиган ННТни қўллаб-қувватлаш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

#### **10-боб. Махсус ўқув курсларида ўқиган тингловчиларнинг ўқиш харажатларини қоплаб бериш тартиби**

104. Нодавлат таълим ташкилотлари (кейинги ўринларда – НТТ) томонидан ташкил этилган ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаган битирувчи (ёшлар, хотин-қизлар) учун касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича сарфланган харажатларнинг 70 фоизи, бироқ ҳар бир битирувчига 1,0 млн сўмдан ортиқ бўлмаган миқдори компенсация қилиб берилади.

105. Ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаган битирувчиларга махсус сертификат берилади.

Ўқув курсларини тамомлаган ва махсус сертификатга эга бўлган битирувчиларга касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича сарфлаган харажатларини қоплаб бериш учун НТТлар томонидан Жамғармага мурожаат киритилади (тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда) ҳамда улар ўртасида ўзаро шартнома тузилади.

106. Шартнома тузилган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида Жамғарма томонидан НТТга белгиланган компенсация маблағлари ўтказиб берилади ҳамда мазкур маблағлар НТТ томонидан сертификат олган битирувчиларга қайтариб берилади.

107. Жамғарма томонидан НТТга компенсация қилинган маблағлар ўқув курслари битирувчиларига икки иш куни муддатида қайтариб берилади.

108. НТТ томонидан ташкил этилган ўқув курсларини муваффақиятли тамомлаган битирувчи (ёшлар, хотин-қизлар) учун касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича сарфланган харажатларни компенсация қилиб бериш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

#### **11-боб. Жамғарма томонидан молиявий кўмак берилишида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш**

109. Жамғарма замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, шу жумладан қуйидагиларни назарда тутувчи “Тадбиркор” ахборот тизимидан фойдаланиш ҳуқуқига эга:

электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда, кафиллик ва компенсациялар бериш тўғрисида буюртмаларни қабул қилиш ва улар бўйича қабул қилинган Жамғарма қарорларини электрон тарзда етказиш;

электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда, кафиллик ва компенсациялар бериш тўғрисида электрон шартномалар тузиш;

электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда, кафиллик ва компенсациялар бўйича ҳисоботлар тузиш ва ўзаро маълумотлар алмашиш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, тижорат банклари ва бошқа давлат ташкилотлари билан “Тадбиркор” ахборот тизимининг интеграциясини амалга ошириш;

тижорат банклари ва уларнинг мижозларига Жамғарманинг расмий веб-сайти орқали реал вақт режимида буюртмаларнинг кўриб чиқилиши ҳамда бажарилиши ҳолатини кузатиб бориш имконини бериш.

## **12-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланилишини ҳисобга олиш, ҳисобот бериш ва назорат қилиш**

110. Жамғарманинг Ижро этувчи дирекцияси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамғармага маблағлар тушиши ва уларнинг сарфланишини ҳисобга олади ҳамда улар бўйича ҳисобот тузади.

111. Тижорат банклари ҳар ой якуни билан ҳисобот ойининг кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмай, Жамғармага унинг маблағларидан фойдаланиш тўғрисида ҳисоботлар тақдим этади.

112. Ижро этувчи дирекция Жамғарма маблағларидан фойдаланилгани тўғрисида йилида бир маротаба тасдиқлаш учун Кенгашга ҳисобот тақдим этади.

113. Ижро этувчи дирекция 1 февралгача бўлган муддатда Вазирлик ва Агентликка молиявий ҳисобот йили учун қарз олувчилар бўйича кафилликлар юзасидан амалда тўланган компенсациялар ва тўловлар тўғрисида ахборот тақдим этади.

114. Ижро этувчи дирекция, тижорат банклари ва давлат молиявий назорати органлари қарз олувчилар томонидан кафилликлар бўйича компенсациялар берилиши ва тўловлар тўланишининг ушбу Низомда белгиланган шартлари, мақсадлари ҳамда тартибига риоя этилишини текширади.

115. Қарз олувчи тўғрисидаги ахборотни олиш ва текшириш учун Жамғарма қарз олувчининг кредит тарихи ҳақидаги ахборотни сўраб олишга ёки кредит бюроси, тижорат банклари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг ахборот тизмларига уланиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасидан бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик ҳақида ахборот сўраш ҳуқуқига эга. Ушбу ахборотлар Жамғармага бепул тақдим этилади.

116. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти йилда камида бир марта Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланилишини белгиланган тартибда текширади.

117. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳар чоракда камида бир марта берилган кафилликлар юзасидан амалга оширилган тўловлар ва компенсациялар бўйича тўловлар миқдорини аниқлашда амалга оширилган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотларнинг ишончилигини жойида ўрганади.

### **13-боб. Яқунловчи қоидалар**

118. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

119. Ушбу Низомни амалга оширишда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, шу жумладан суд тартибида ҳал этилади.

120. Жамғарма қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш  
давлат жамғармаси тўғрисида низомга  
илова

**Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш  
давлат жамғармаси томонидан кўрсатиладиган  
молиявий ёрдам шакллари**

1. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун кредит миқдорининг 50 фоизигача (50 фоизи ҳам шу жумлага киради), бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваридан ортиқ бўлмаган тижорат банклари кредитлари бўйича кафиллик бериш.

2. Тижорат банкларининг кредитлари бўйича кредит суммасининг 50 фоизигача (50 фоизи ҳам шу жумлага киради) миқдорда кафиллик бериш, бироқ 8,0 млрд сўмдан ортиқ эмас.

Айланма маблағларини тўлдириш учун бериладиган кредитлар бўйича лойиҳалар сонидан қатъий назар, ижобий кредит тарихига эга бўлган тадбиркорлик субъектларига бериладиган кредит суммасининг 75 фоизидан ошмаган, бироқ 10,0 млрд сўмдан ортиқ бўлмаган ҳажмдаги кафиллик бериш.

2021 йилдан бошлаб Хоразм вилояти ҳудудида ташкил этилган sanoat зоналарида амалга оширилаётган лойиҳаларга истисно тариқасида 25,0 млрд сўмгача бўлган кредитларга кафиллик ва компенсация ажратиш.

3. Тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоизли харажатларни қоплаш учун компенсация бериш, шу жумладан:

а) суммаси 10,0 млрд сўмдан ортиқ бўлмаган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасининг 1,5 бараваридан ошмайдиган фоизли ставка билан қайта молиялаштириш ставкасидан ортиқ бўлган, бироқ 5 фоизли пунктдан ортиқ бўлмаган қисми бўйича миллий валютада;

б) савдо фаолияти учун суммаси 200,0 млн сўмдан ортиқ бўлмаган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан 10 фоиз пунктгача ошган қисми бўйича миллий валютада;

в) суммаси 10,0 млрд сўмга тенг миқдордан ошмайдиган хорижий валютада – тижорат банклари томонидан белгиланган фоизли ставканинг 30 фоизгача миқдорда, бироқ 3 фоизли пунктдан ортиқ эмас;

г) хорижий валютада – иссиқхоналар қуриш, интенсив боғлар яратиш ва совутгичлар қуриш учун 2017 йил 5 сентябргача халқаро молия институтларининг кредит линиялари ҳисобидан хўжалик юритувчи субъектларга ажратилган валюта кредитлари бўйича – белгиланган фоизли ставканинг 50 фоизи миқдорида;



д) Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг тавсиясига асосан яратилган иш ўрнининг камида 50 фоизи аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ишга олган кичик тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган қиймати 10,0 млрд сўмдан, бироқ, асосий ставкасининг 1,5 бараваридан ошмайдиган фоизли ва асосий ставка билан ортиқ бўлган қисми бўйича миллий валютада.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 6 ноябрдаги ПҚ–4005-сон қарори 5-бандида белгиланган компенсация бериш тартибини лизинг ташкилотларига нисбатан ҳам татбиқ этиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 13 октябрдаги ПҚ–4862-сон қарорида қайд этилган мақсадлар учун нодавлат нотижорат ташкилотларига 2,0 млн АҚШ доллари эквивалентидаги маблағлар ҳисобидан ресурслар ажратиш.

Шунингдек, ушбу қарорга асосан Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби томонидан маъқулланган дастурлар ва белгиланган талаблар асосида нодавлат таълим ташкилотлари томонидан ташкил этилган ўқув курсларини тамомлаган ҳамда махсус сертификатга эга бўлган битирувчи (ёшлар, хотин-қизлар) учун касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича сарфланган харажатларнинг 70 фоизи, бироқ ҳар бир битирувчига 1,0 млн сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорида компенсация қилиш.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг кенг аҳоли қатламларини тадбиркорликка ўқитиш ва уларга микромолиявий хизматлар кўрсатишдан иборат комплекс дастурларини амалга ошириш учун танлов асосида 5 йил муддатга, жумладан, бир йиллик имтиёзли давр билан йиллик 4 фоиз ставкада қарз маблағлари ажратиш.

*Изоҳ. Тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан бош битимлар асосида ваколатли тижорат банклари ва лизинг ташкилотлари орқали миллий валютада амалга оширилади.*

